

Разия МАТИБАЕВА,

Ўзбекистон халқаро ислом академияси

Араб тили ва адабиёти ал-Азхар

кафедраси доценти



АБУ ҲАНИФА МАНОҚИБЛАРИ

«Маноқиб» атамаси «Фазилатлар» маъносида ишлатилиб, бунда бирор олим ёки авлиё каби буюк шахснинг фазл ва мартабасини мактаб, у ҳақдаги ибратли ҳикояларни баён қилиш тушунилади¹.

Тасаввуф намоёндалари учун ёзилган маноқиб асарлари бу жанрнинг энг кўп қисмини ташкил қилади. Масалан, Ҳисомиддин Хўжа Юсуф ал-Ҳофизийнинг «Маноқиб Баҳоуддин»², Маҳмуд ибн Усмоннинг (ваф. 938/1531 й.) «Маноқиб Увайс Қараний», Юсуф ибн Муҳаммаднинг «Маноқиб Боязид Бистомий» ва бошқаларни келтириш мумкин.

Ислом уламолари ҳақида ҳам талайгина маноқиблар ёзилган. Масалан, «Маноқиб Ибн Арабий» асарини ас-Суьутий (ваф. 911/1505 й.) ва Иброҳим ибн Муҳаммад ал-Ҳалабийлар (ваф. 956/1549 й.) таълиф этганлар. Суфён ас-Саврий, Абу-л-Ҳасан ал-Ашъарий, Ибн Қудом ва бошқа кўпгина олимларнинг ҳаёти

ва ижодларига бағишлаб ёзилган маноқибларни ҳам мисол тарзида санаб ўтиш мумкин.

Маноқиб асарларининг муаллифлари «Имомга эргашувчи ҳар бир муқаллид ўзи эргашаётган имоми ҳақидаги маълумотларни аҳволини билиши керак» деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, у ўз имомининг исми, куняси, насаби, яшаган аср ва шаҳарини билиб, унинг сийрати, фазилат ва сифатларини ўзлаштириши лозим бўлади³. Булардан ташқари шогирдга имомнинг устозлари ҳамда унинг ёнида юрган ва доимо ундан хабардор бўлган дўстлари ва шогирдлари ҳақида ҳам маълумотларга эга бўлиши талаб этилади. Шунинг учун ҳам ҳар бир мазҳабдаги кўзга кўринган олимлар ўз имомлари ҳақида маноқиб асарларини ёзганлар.

Абу Ҳанифага атаб ёзилган маноқибларни ўрганиш натижалари бу асарларнинг тарихий кетма-кетлиги жиҳатидан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкинлигини кўрсатади:

1. Илк давр маноқиблари.
2. Ўрта давр маноқиблари.

¹ Маноқиб // Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / 3. Ҳусниддин таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – Б. 151.

² Ҳожи Халифа. Кашф аз-Зунун. – Т. 2. – Б. 1841.

³ Ўша асар. – Т. 2. – Б. 1836.

3. Замонавий манокиблар.

Абу Ҳанифа ҳақидаги илк манокибларга Закариё ибн Йаҳйо ибн ал-Ҳорис ан-Найсобурийнинг (ваф. 298/910 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа», Ибн Салтнинг (ваф. 241/855 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа», ат-Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа», Ибн Каснинг (ваф. 324/935 й.) «Китоб ал-Хисол», Ибн Уқданинг (ваф. 333/944 й.) «Ахбор Аби Ҳанифа ва муснадух» ва Абдуллоҳ ал-Устоз ал-Ҳорисийнинг (ваф. 340/951 й.) «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа» асарларини келтириш мумкин. Бу асарлар мазкур соҳадаги илк асарлар бўлгани учун бобларга ажратилмаган. Юқоридаги асарларда Абу Ҳанифа ҳақидаги фикрларнинг барчаси ҳаддан ошириб бўрттириб кўрсатилмай, холислик билан ёритилгани учун кейинги олимлар томонидан танқидга учрамаган.

Абу Ҳанифа ҳақидаги ўрта давр манокибларига Абу-л-Муаййад ал-Хоразмий ал-Маккийнинг (ваф. 568/1172 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа» асари киради. Шунинг билан бирга Муҳаммад ибн Юсуфнинг (ваф. 942/1535 й.) «Уқуд ал-жумон фи манокиб ал-Имом ал-Аъзам Аби Ҳанифа ан-Нуъмон» асарини ҳам ўрта давр манокиблар турига киритиш мумкин. Бу икки асар ўзидан олдинги манокиблардан жуда кўплаб иқтибослар келтириши билан ажралиб туради.

Муҳаммад ибн Юсуф (ваф. 942/1535 й.) ўзининг Абу Ҳанифага атаб ёзган «Уқуд ал-жумон» асарида ўзидан олдинги манокиблардан, шунингдек Абу-л-Муаййад ал-Маккийнинг асарида ҳам иқтибослар келтирсада⁴, унга танқидий ёндошади ва ундаги баъзи ривоятларни инкор қилади. Чунки ҳақиқатан ҳам Абу Ҳанифа ҳақида бир қатор тўқима ҳадислар ривоят қилинган⁵. Абу Ҳанифанинг буюклигини кўрсатиш мақсадида тўқилган бундай *мавзу* ҳадисларда

«Абу Ҳанифа умматимнинг чироғи...», «... умматимнинг олими⁶», «Умматимдан бир киши бўлади, унинг исми Нуъмон ибн Собит, куняси Абу Ҳанифа, у Аллоҳнинг динини ва суннатимни тирилтиради⁷» каби мазмундаги мактовли сўзларни учратиш мумкин. Аммо бу каби ҳадислар тўққизта асосий саҳиҳ ҳадис китобларидан⁸ бирортасида учрамайди». Олим ҳақидаги бундай ҳадисларнинг тўқима бўлишига қарамай минтақада машҳур бўлишига сабаб Мовароуннахрда ҳанафий фикҳи асосий ўринни эгаллаганини кўрсатади. Юқорида зикр этилган ҳадислар бошқа кўплаб манбаларда, жумладан Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд» асарида ҳам бир неча жойда турли кўринишларда учрайди⁹.

Аммо ас-Саймарий, ат-Таҳовий, ал-Қураший (ваф. 775/1373 й.) ва бошқа аксар ҳанафий табақот муаллифлари ўз асарларида бундай ҳадисларни келтирмаганлар¹⁰.

Замонавий манокибларга Мустафо аш-Шакъанинг «ал-Имом ал-Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон»¹¹, Абу Заҳранинг «Абу Ҳанифа»¹², Муҳаммад Қосимнинг «Маконат Имом Аби Ҳанифа байн-ал-муҳаддисин»¹³, Ваҳбий Сулаймон Ғовжийнинг «Абу Ҳанифа ан-Нуъмон имом ал-аимма ал-фуқаҳо»¹⁴ каби асарларини келтириш мумкин.

Бу уч гуруҳнинг ҳар бири алоҳида аҳамиятга молик. Илк асарларда Абу Ҳанифанинг асосан

⁴ Муҳаммад ибн Юсуф аш-Шофий. Уқуд ал-жумон фи манокиб ал-имом ал-аъзам Аби Ҳанифа ан-Нуъмон. – Ҳайдаробод: Ал-Маориф аш-шарқийа, 1974 (бундан кейин: Уқуд ал-жумон). – Б. 120.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Абдулҳаким Шаръий Жўзжоний. Ислом ҳуқуқшунослиги. Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёти, 2002. – Б. 124.

⁶ Абу-л-Муаййад ал-Хоразмий. Ал-Жомеъ ал-масонид. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, йили кўрсатилмаган. – Т. I. – Б. 14.

⁷ Абу-л-Муаййад ал-Маккий. Манокиб Аби Ҳанифа. – Байрут: Дор ал-кутуб ал-илмийа, 1981. – Б. 18.

⁸ Мавсуъат ал-ҳадис аш-шариф. – Ширкат Саҳр ли-баромиж ал-ҳосиб. – 1991-1996 (CD-ROM).

⁹ Раҳимжонов Д. Абу Ҳафс ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба. Тарих фанлари номзоди ... дис. автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2003. – Б. 21.

¹⁰ Уқуд ал-жумон. – Б. 48.

¹¹ Мустафо аш-Шакъа. Ал-Имом ал-Аъзам Абу Ҳанифа ан-Нуъмон. – Қоҳира: Дор ал-кутуб ал-мисрий, 1991. – 291 б.

¹² Муҳаммад Абу Заҳра. Абу Ҳанифа. – Қоҳира: Дор Миср, 1997. – Б. 182.

¹³ Муҳаммад Қосим. Маконат Имом Аби Ҳанифа байн-ал-муҳаддисин. – Карачи: Идорат ал-Қуръон, 1993.

¹⁴ Ваҳбий Сулаймон Ғовжий. Абу Ҳанифа ан-Нуъмон Имом аиммат ал-фуқаҳо. – Димашқ. 1993. – Б. 25-26.

мухаддислик фаолиятига¹⁵ эътибор берилган бўлса, кейинги асарларда унинг фикрдаги ўрни кўрсатиб беришга ҳаракат қилинган. Бироқ Абу Ҳанифа ҳақидаги ўрта манокібларда Абу Ҳанифанинг саҳобийлар билан учрашгани ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтганлари диққатга сазовордир.

Замонавий манокібларнинг деярли барчаси Абу Ҳанифанинг турли илмлардаги фаолиятини ёритиб, унинг барча соҳаларда тенги йўқ эканини кўрсатиб беришга бағишланган бўлиб, уларда имкон қадар аввалги манокіблардаги Абу Ҳанифа ҳақида ўта ошириб юборилган сифатларни санамай ўтилади.

Х асрда Абу Ҳанифанинг манокібига бўлган қизиқиш жуда ҳам ортганлигига тадқиқотчилар ан-Найсобурий, Ибн Салт, ат-Таҳовий, Ибн Кос, Ибн Уқда ва Абдуллоҳ ал-Устоз ал-Ҳорисий асарларининг айни шу даврда ёзилганини далил қилиб келтирадилар¹⁶. Улардан Ибн Уқда ва Абдуллоҳ ал-Ҳорисий бир вақтнинг ўзида Абу Ҳанифанинг манокіби билан бирга муснадини ҳам тўплаганлар. Ўша даврдаги манокібларнинг баъзилари бизгача тўлиқ етиб келмаган. Биография жанридаги энг дастлабки сақланиб қолган асар ас-Саймарийнинг «Ахбор Аби Ҳанифа ва асҳобих» («Абу Ҳанифа ва унинг асҳоблари хабарлари») асари саналади¹⁷.

А.Мўминов ўз илмий тадқиқотида Мовароуннаҳр фақиҳларининг «Абу Ҳанифа манокіби» жанрига бағишлаб ёзган 10 та асарини санаган¹⁸. Улар:

1. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абу Ҳафс ал-Қабир ал-Бухорий (ваф. 878 й.) «Китоб фи манокіб Аби Ҳанифа»¹⁹ («Абу Ҳанифа манокібларига оид китоб») асарини таълиф этган. Бироқ бу асар бизгача етиб келмаган бўлса-да, баъзи асарларда ундан иқтибослар келтирилган.

¹⁵ Муратов Д. «Кашф ал-осор» асарида Абу Ҳанифа сиймоси // Тошкент ислом университети Илмий таҳлилий ахбороти. № 3. 2007. – Б. 54.

¹⁶ Қаранг: Duckinson E. Ahmad b. Al-Salt and his biography of Abu Hanifa // Journal of the American Oriental Society, Vol. 116, № 3 (Jul. – Sep., 1996), – P. 408.

¹⁷ Қаранг: Duckinson E. Ahmad b. Al-Salt and his biography of Abu Hanifa // Journal of the American Oriental Society, Vol. 116, № 3 (Jul. – Sep., 1996), – P. 408.

¹⁸ Муминов А. Диссертация. – С. 19.

¹⁹ Асар «Зикр манокіб Аби Ҳанифа» номи билан ҳам маълум.

2. Абу-л-Фазл Бакр ибн Муҳаммад ибн Али аз-Заранжарийнинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асари. У 11 фаслдан иборат бўлиб, Мовароуннаҳрда ёзилиб, ҳозирги кунга қадар сақланиб қолган манокіб жанридаги энг дастлабки асардир.

3. Зоҳируддин ал-Марғинонийнинг (ваф. тах. 1203 й.) «Манокіб Аби Ҳанифа» асари. Ушбу асар ҳозирга қадар топилмаган.

4. Жоруллоҳ аз-Замахшарийнинг (ваф. 1144 й.) «Шақоик ан-Нуъмон фи манокіб ан-Нуъмон» («Нуъмон манокібларига оид «Шақоик ан-Нуъмон» (пионгул) гулидек чиройли китоб») асари. Бу асар йўқолган деб ҳисобланади.

5. Шамсу-л-аймма Муҳаммад ибн Абду-с-Саттор ал-Қардарийга (ваф. 1244 й.) нисбат берилувчи «Манокіб Аби Ҳанифа» асари.

6. Садруддин ал-Муваффақ ибн Муҳаммад ал-Ҳорисийнинг (ваф. 1236-37 й.) «ал-Ибона фи-р-радд ало ман шаннаа ало Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифани ҳақорат қилганларни рад этишнинг баёни») асари Абу Ҳанифани ҳимоя қилиш мақсадида ёзилган бўлиб, олти бобдан иборат.

7. Абду-л-Азиз ибн Аҳмад ал-Бухорийнинг (ваф. 1329-30 й.) «Манокіб» асари.

8. Ҳофизуддин Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Шихоб ал-Қардарий ал-Базозийнинг (ваф. 1424 й.) асосан ал-Хоразмийнинг «Манокіб»ига асосланиб ёзган янги асари «Манокіб Аби Ҳанифа» асари.

9. Абду-л-Ғафур ибн Ҳусайн ибн Али ал-Амлои (XII аср)нинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асари (унинг 1587 йили кўчирилган қўлёзма нусхаси сақланиб қолган²⁰).

10. Ушбу тадқиқот объекти бўлган ал-Хоразмийнинг «Манокіб Аби Ҳанифа» асари.

Бу асарлардан ташқари ал-имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Муҳаммад ат-Таҳовий, аш-шайх ал-имом Шарафуддин Абу-л-Қосим ибн Абду-л-Алим ал-Айний ал-Қураший ал-Ҳанафий иккита «Қалоид Уқуду-д-дурар вал-иқон фи манокіб Аби Ҳанифа ан-Нуъмон» («Абу Ҳанифа Нуъмон манокіблари бўйича дур маржонлари ва ишончли далиллар шодалари»)

²⁰ Муминов А. Диссертация. – Б. 45.

ва «ар-Равзат ал-олия ал-манифа фи манокиб ал-имом Аби Ҳанифа» («Имом Абу Ҳанифа манокиби бўйича олий бўстон») номли, аш-Шайх ал-имом Муҳаммад ибн Аҳмад аш-Шаъбий 20 жуздан иборат «Манокиб Аби Ҳанифа» асарларини ёзишган. Аш-Шайх Муҳюддин Абду-л-Қодир ибн Абу-л-Вафо ал-Қураший «ал-Бустон фи манокиб имомино ан-Нуъмон» номли, Абу Абдуллоҳ Хусайн ибн Али ас-Саймарий (ваф. 1044 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа», Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Салт ал-Ҳамоний (ваф. 920 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа», ал-Имом Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Кардарий аз-Розий (ваф. 1424 й.)²¹ «Манокиб Аби Ҳанифа», Абу-л-Хусайн Аҳмад ал-Кудурий ҳам (ваф. 1036 й.) «Манокиб Аби Ҳанифа» асарларини ёзганлар²².

Мовароуннахрдаги манокиб жанрида ёзилган илк асарлардан яна бири Абу Муҳаммад Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ас-Субазмунининг «Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа» («Абу Ҳанифа манокиби бўйича ёдгорликларни кашф қилиш») китоби ҳисобланади²³. У Абу Ҳанифа ҳаёти ва ижодини атрофлича ёритган алломалардан саналади.

Абдуллоҳ ас-Субазмуний «Кашф ал-осор» асарида асосан Абу Ҳанифанинг фаолиятига оид ривоятлар ва унинг турли ақидавий гуруҳларга қарши билдирган эътирозлари ва далиллари ўрин олган. Асарда, шунингдек, муаллиф томанидан Абу Ҳанифанининг Қуръони карим, ҳадис, қиёс ва раъйга таяниб фаолият олиб боргани акс этган²⁴. Абдуллоҳ ас-Субазмуний асарининг эътиборга молик томонларидан бири унда Абу Ҳанифанинг фикҳ илмининг билимдони, етук муҳаддис сифатида ҳар тамонлама кенг ёритилганидир.

²¹ «Манокиб Абу Ҳанифа» асарини Муҳаммад ибн Амр ал-Ҳалабий турк тилига таржима қилган.

²² Ҳожи Халифа. Кашфу-з-зунун. – Б. 1839.

²³ Абдуллоҳ ас-Субазмуний. Кашф ал-осор фи манокиб Аби Ҳанифа. ЎзР ФА ШИ. Қўлёзмалар фонди. № 3105 (бундан кейин: Абдуллоҳ ас-Субазмуний. Кашф ал-осор).

²⁴ Қаранг: Муратов Д. Абдуллоҳ ас-Субазмунининг «Кашф ал-осор» асари ҳадис илмига оид манба. Тар. фан. номз. дис. ... автореф. – Т.: Тошкент ислом университети, 2008. (бундан кейин: Муратов Д. Автореферат). – Б. 20.

Бундан ташқари Васлий ас-Самарқандий таҳаллуси билан машҳур бўлган Саййид Аҳмад усто Азим ўғли (1870-1925) томонидан ўзбек тилида ёзилган «Имоми Аъзам ҳаёти ҳақида қимматли сўзлар» асари Ўрта Осиёда «Манокиб Аби Ҳанифа» жанрида ёзилган сўнгги асарлардандир²⁵. Китобдаги Васлий ас-Самарқандий келтирган маълумотлар таҳлил қилинганда, муаллиф кўп ўринларда ал-Хоразмий ва ал-Кардарийнинг «Манокиб»ларидан фойдалангани яққол кўзга ташланади²⁶. Келтирилган асарлар орқали диёримизда фаолият олиб борган турли олимлар ҳақида маълумотга эга бўлишимиз мумкин.

Хулоса қилиб, ҳанафий мазҳаби олимлари Абу Ҳанифа ҳақида кўплаб асарлар ёзганларликларини айтиш мумкин. Уларнинг баъзилари ўз асарларини муснад услубида ёзган бўлсалар, бошқалари бобларга бўлиб таълиф этганлар. Баъзи асарларда Абу Ҳанифа ҳақида тўқима ҳадислар мавжуд бўлса, бошқаларида бу ҳадислар йўқ. Ҳатто баъзиларида мазкур тўқима ҳадислар танқид қилинган. Демак, ҳанафий мазҳаби манокибчи олимлари ўзларининг ишларига танқидий ёндашиб, Абу Ҳанифа шахсиятини имкон қадар муфассал ёритишга ҳаракат қилганлар. Улар Абу Ҳанифани факих, муҳаддис, зоҳид, тақводор, обид каби сифатлар билан ўз мазҳаббошчиларини ҳар томонлама комил инсон қилиб кўрсатганлар.

Шунингдек, ўлкамизда Абу Ҳанифанинг фазилатларини кўрсатиб беришга бағишлаб турлича ва кўплаб манокиб асарларининг ёзилгани ҳанафийлик мазҳабининг бу минтақада юқори мавқега бўлганини кўрсатади. Мазкур асарларда ёритилган Абу Ҳанифа шахсига хос бағрикенглик, муаммоларни ҳал қилишда масалага кенгроқ дунёқараш нуқтаи назаридан ёндашиш, чуқур илмийлик тамойиллари нафақат олимнинг ўзида, балки ушбу мазҳабда мужассам эканидан дарак беради. Ушбу асарларни ўрганиш, улардаги инсоний фазилатларни халқимиз орасида кенг ёйиш диний мутаассиблик, зўравонлик каби иллатларга қарши курашда катта аҳамият касб этади.

²⁵ Нажмуддинов З. Васлий ас-Самарқандий. Ал-Калом ал-афҳам. – Б. 163.

²⁶ Ўша асар. – Б. 163.